

ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИННИГ ТУМАН БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Риштон туманида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Туман Фавқулодда вазиятлар бўлими, туман халқ таълими бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси, Ёшлар ишлар агентлиги туман бўлими ҳамкорлигига ташкил этилган мусобақада туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг 7 та жамоаси иштирок этди.

Мусобақа аввалида сўз олган ҳамкор ташкилот вакиллари Президентимиз раҳнамолигига ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга бугун алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди.

Тадбир доирасида таълим муассасаларидаги “Ёш қутқарувчилар” клуби фаолиятини акс эттирган кўргазмалар намойиш қилинди.

Туман “Марказий” ўйингоҳида бўлиб ўтган “Ёш қутқарувчи — 2022” мусобақаси туман босқичида ҳудудлардан жами 7 та жамоанинг 112 нафар халқ таълим муассасалари ўқувчилари ўзаро 5 та шарт (1-шарт “Савол жавоб” шарти, 2 шарт “Саф таёргарлиги”, 3 шарт “Палатка тиклаш”, 4 шарт “4x100 эстафетали югуриш” ҳамда 5 шарт “Махсус ёнғин ўчириш ва жабирланганларни эвакуатция қилиш”) бўйича баҳс олиб боришиди.

Иштирокчилар соҳага доир билими, фуқаро муҳофазаси ва тезкор тиббий ёрдам қўрсатиш, дарёдан арқон ёрдамида ўтиш, чодир ўрнатиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш жараёнидаги жисмоний машқлар бўйича ҳам баҳслашишди.

Мазкур мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларига, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

2022-03-16 17:03:44